



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 14 август, № 161 (4571)

Пайшанба

## СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД

**Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир**

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йўналишига бағишланган мажлисидаги маърузасида барча соҳаларда, жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, эндиликда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифаларга тўхталиб ўтилди. Шубҳа йўқки, белгиланган ана шу вазифаларни амалга ошириш мамлакатимиз салохиятини юксалтиришга, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, фуқароларимиз соғлигини янада яхшилаш, баркамол авлодни тарбиялаш йўлида хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Истиқлолнинг илк йилларидаёқ бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан 1993 йилда «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат ташкилоти ва мамлакатимизнинг шу номдаги дастлабки ордени таъсис этилди. Бу ўзининг

(Давоми 2-бетда).



Темур ҚУРБОНОВЕВ олган сурат.

13 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Сенат Раиси И. Собиров олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисини 2008 йил 28-29 август кунлари Тошкент шаҳрида қаҳриш тўғрисида қарор қабул қилди.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамага Ўзбекистон Республикасининг ўндан ортик қонунларини, хусусан, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаликларидан мажбурий давлат иқтисодий сурғуртаси тўғрисида»-ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»-ги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»-ги, «Музейлар тўғрисида»-ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Жи-

ноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Бирлашган Араб Амириклари Хукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавfli турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битими (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритиш режалаштирилмоқда. Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталари ва Сенат Девонининг ўн бешинчи ялпи мажлисга тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Кенгаш сенаторлардан ҳамда Сенат Девони ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тўзди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

Фаргона шаҳри:

## ЯНАДА КЎРКАМ ВА ОБОД БЎЛАДИ

Дарёси бор шаҳар яна ҳам обод ва кўркам, аҳолисининг турмуши эса фаровон бўлади, дейишади. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри ахли ўш «Анҳори борлигидан қанчалик гурурга тўлиши, фарғоналиклар «Марғилонсой» билан фахрлисининг сабаби шу бўлса керак.

Бирок, афсуски, сўнгги йилларда айрим раҳбарлар ва мутасаддиларнинг эътиборсизлиги туфайли нафақат Фарғонанинг ана шу «яшил белбоғи», ҳатто шаҳарнинг кўрму тароватидан ҳам биров файз кетган эди. Шундай бир пайтда, 2008 йил 6 мартда бўлиб ўтган халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз куйиниб айтган мана бу гаплар катта кичикни тўқинлантириб юборди: «Бу шаҳарнинг кейинги йилгирма-ўттиз йил давомда эски ҳолатда, ўзгармасдан қолиб келаётганини, баъзи жойларда нураб кетган иморатларни қўриб, одам албатта ранжиди. Уйлайманки, бундай нохуш ҳолатга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Шаҳар раҳбарлари, биринчи гада, шаҳар ҳокими, маъмурияти, бош архитектори ва бошқа мутасадди шахсларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш, керак бўлса, Тошкентдаги етакчи лойиҳа институтларининг мутасаддиларини тақлиф этиб, Фарғона шаҳрининг ўзига хос ва

Шундан кейин, албатта, шаҳардаги мавжуд нохуш ҳолатга муносабат ўзгартириш, раҳбарларнинг масъулияти ҳам ошди. Орадан кўп вақт ўтмай, шу йил 5 майда Президентимиз имзолаган «Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»-ги Қарор эса сессияда билдирилган тақлиф ва тавсиялар тағ-заминли эътиборини яна бир қара босиб олди. Мазкур ҳужжат, таъбир жоиз бўлса, Фарғонада бунёдкорлик ишларини рўйжа қилишда дастурийлашма бўлиб қолди.

Қарорнинг қанчалик ҳаётбахш эканлигини шундан ҳам билса бўладики, унда жорий йилда, умуман, беш йил мобайнида Фарғона шаҳри соғлиқни сақлаш тизимида

(Давоми 2-бетда).

## АВГУСТ ОЙИ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

Август — гўза парвариши мавсумининг масъулиятли палласи эканлигини сиқидилдан ҳис қилган мамлакатимиз фермерлари ажойиб ташаббус билан чиқиб, мазкур ойни «Зарбдор ўттиз кунлик» деб эълон қилгани айни мудоаб бўлди. Зеро, айни асада гўза агротехника талаблари асосида парваришланса, сув вақтида таралиб, культивация мевёрида ўтказилса, у бўлиқ кўсаклар тўплайди. Бу дегани — ой охирига бориб, қийос очилган пахта ҳосилини йиғиб-тегиб олиш мумкин.

## ҲАР БИР КУН ГАНИМАТ

Бирок асаднинг ўзига хос томонлари ҳам борлигини унутмаслик керак. Хусусан, ушбу ойда зараркунанда ва хашаротлар тарқалишининг олдини олиш фоят муҳим. Чунки улар пахта ҳосилининг 20-25 фоизини еб қўйишини тажрибада кузатганимиз. Шу боис ҳозир уларга қарши биологаторияда етиштирилган трихогарма, бракон ва олтнкўзалардан кенг фойдаланаяпмиз. Бу фойдали хашаротлар кўсак курти ва ўргимчакана каби зараркунандаларга қирон келтирмоқда.

Шу билан бирга, мазкур ойда сувга қонган гўзада шода-шоода кўсак битишини ҳисобга олиб, тунда «шарбат» оқизишга алоҳида эътибор қаратаёпмиз. Бу тадбирни амалга оширишга тажрибали сувчилар жалб этилиб, уларнинг иш ҳақлари ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилинаётгани иш сифати ва салмоғини оширмоқда.

Қатор ораларига таралган сувнинг гўза томирларига етиб, жон бағишлаши, ўз навбатида, культивациянинг нечоғли сифатли адо этилишига боғлиқ. Бу юмуш ҳам диққат марказимизда турибди.

Гулнат ҲАЙИТМЕТОВ,  
Ўзбекистон Қоҳрамони,  
Олий Мажлиси Сенати аъзоси,  
Гурлан туманидаги «Ҳайитмат ота» фермер хўжалиги раҳбари.

## МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Мамлакатимизда миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, аждодларимизнинг бетақор меросини ўрганиш, маънавий-маърифий ишларни жадал ривожлантириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, инсонпарварлик ғояларини кенг тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётир.

Юртбошимизнинг «Юқсак маънавият — энгилмас куч» асаридан инсон учун ҳар доим энг буюк бойлик бўлган маънавиятнинг туб моҳияти, унинг жамият-

даги ўрни ва аҳамияти, назарий ва амалий жиҳатлари кенг қамровли фикр-мулоҳазалар ва чўқур хулосалар асосида баён этилган. Шунингдек, истиқлол йил-

ларида илдиқи теран тарихга эга халқимизнинг қадимий аъёнлари, миллий қадриятлари ва урф-одатлари, удувларини тиклаш, уларни замон талаблари асоси-

да янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар яққол акс эттирилган. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида юзага келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг онги ва тафаккурини турли зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялаш муҳим аҳамият касб этаётир.

(Давоми 2-бетда).

## Кёко Накаяма:

### «ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЮТУҚЛАРИ МЕНИ ДОИМО ҲАЙРАТГА СОЛИБ, КЎНГЛИМНИ ФАХР-ИФТИХОР ҲИССИГА ТЎЛДИРГАН»



Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида дунёнинг турли мамлакатларидан табрик мактублари келмоқда. Улардан бири кунни кеча Япониядан олинди. Мактублар кўнчиқар юртининг бир қатор кўзга кўринган сиёсат ва жамоат арбоблари томонидан йўлланган бўлиб, улар Мустақиллик кунини байрами муносабати билан халқимизга самимий табрикларини изҳор этгани ҳолда истиқлол йилларида юртимиз эришган ютуқ ва натижалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашган.

Япония давлат вазири, ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Кёко Накаяма хоним, жумладан, қуйидагича ёзади: «Буюк Ипак йўли тарихига мафтул бўлган японияликлар ўтган асрнинг 90-йилларида Ўзбекистон ҳақида етарли маълумотларга эга эмасдилар. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Президент Ислам Каримов раҳбарлигида қисқа вақт ичида Марказий Осиёдаги қудратли сановат инфратузилмаси ва улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган муҳим давлатлардан бирига айланди. Утган йиллар давомида республика дунёнинг етакчи давлатлари билан тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш суръатини юқори баҳолаган ҳолда, 2002

## Дунё нигоҳи

йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Японияга, 2006 йили эса Япония собиқ бош вазири Ж. Коидзумининг мамлакатимизга амалга оширган ташрифлари икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқинга олиб чиқаришни таъминлашни истар эдим.

Япония ва Ўзбекистон халқлари бир-бирига нисбатан доимо ҳурмат-эҳтиром

(Давоми 2-бетда).

## БАНКЛАРНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ ОШМОҚДА

Бир рақам шарҳи



2008

Йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизда тижорат банкларининг устав капитални ўтган йилнинг шу давридагига 2 баравар ошди.

Республикаимизда молия-банк тизимини ислоҳ қилиш дастурини, тижорат банклари фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш туфайли шундай ўсишга эришилди.



Фаргона шахри:

# ЯНАДА КЎРКАМ ВА ОБОД БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

жиддий ўзгаришларни амалга ошириш, уни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, «Тез ёрдам» станцияларини махсус автомашиналар билан таъминлаш, шаҳар аэропортига замон талаблари асосида қайта қуриш, қурилиши тугалланмаган «Бахт уйи»ни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Тўқменчилар бунёд «Маҳалла марказини» ташкил этиш, кўп қаватли тураржой биноларини қуриш, Аҳмад Фарғоний номидаги оромгоҳни реконструкция қилиш ва 1998 йилда гипсдан тайёрланган буюк аллома ҳайкалининг бронзадан қўйиш, Тошкент аэробот технологиялари университети Фарғона филиалининг янги биносини фойдаланишга топшириш, Фарғона Олимпия захиралари спорт коллежида

ёғиқ сув ҳавзаси қурилишини якунлаш, Юсуф қўзиқ Шакаржонов номидаги виллоят ўзбек мусикали драма театри биносининг тарихий қўриқини сақлаган ҳолда, реставрация қилиш, аҳолининг электр энергияси, газ, ичимлик ва иссиқ сув билан таъминлаш, оқова сув тармоқларини янада яхшилаш чораларини қўриш, шаҳар ҳудудидидаги автомобиль йўлларини мукамал ва жорий таъмирлаш, кўп қаватли тураржойларнинг муҳандислик-коммуникация тизимларини такомиллаштириш, жойларда ободонлаштириш ва кўчаларни яшилдириш ишларини бажаришдек кенг кўламли долзарб вазифалар белгилаб берилган эди.

Хўш, ўтган қисқа даврда бу борада қандай ишлар адо этилди? Биз қўқорида Марғилонсойни бежиз тилга олмаган эдик. Бугун шу сойдан

Аҳмад Фарғоний номидаги истироҳат боғича бўлган 18 гектарлик ҳудуд бамиқсоли улкан қурилиш майдонини эслатади. Бош режага асосан, бу ерда мейморий талаблар ҳисобга олинмай қурилган йўл бекатлари, савдо шохобчалари ва нураб кетган иморатлар бўзиб ташланиб, янги сайилгоҳлар, ариқлар, оромгоҳлар ва фавворалар — бутун бир ҳиббонга мажмуи жадал бунёд қилинмоқда. Ана шу юмшак салкам 100 та транспорт воситаси ва эҳкаватор, кўлаб ишчи кучи жалб этилган.

Шаҳарнинг марказий қисмини қайта қуриш, ободонлаштириш ва кўчаларни яшилдириш ишларида, айниқса, «Фарғона дон маҳсулоти», «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятида ҳамда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи сингари 20 дан зиёд йирик корхоналар ва ташкилотлар жамоалари фаол иштирок

этайётганлари таҳсинга лойиқ. — Ҳар бир виллоятнинг маркази шу ҳудуднинг юз-кўзи, ташрифномаси ҳисобланади, — дейди «Водийгазтаъминот» унитар корхонасининг Фарғона филиали раҳбари Умиджон Юсуфов. — Шунинг учун Фарғонада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида қатнашаётганимиздан фахрланамиз. Бизга 11-лойиҳа бўйича бу ерда катта ҳиббон барпо этиш, бу ҳиббонда 500 квадрат метр манзарали плиталар ўрнатиш юзасидан топшириқ берилган эди. Икки имкониятларимизни ҳисобга олиб, ушбу вазифани икки ҳисса ошириб бажаришга ҳаракат қилаётимиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, янги ҳиббонда бунёд этилаётган ҳар бири 16 диаметрлик иккита фаввора об-

гулларга бурқаш, соҳилларида мажнун-толлар бош эгиб, арча, каштан, қайрағоч, япон софораси каби манзарали дараклар яншаб турувчи дилқушо масканларни барпо этиш юмшарини Катта Фарғона канали, Исфайрамсой-Шоҳимардон каналлари ҳавза бошқармалари ва «Фарғона нефть базаси» унитар корхонаси жамоалари бажармоқдалар. Фарғона механика завоидига қарашли «Тапо Диск» қўшма корхонаси ҳашарчилари «Ўзэлектромонтаж» қурувчилари билан ҳамкорликда ҳиббоннинг ҳар бир йўлагига ёриткичлар ўрнатиш билан банд бўлса, виллоят «Сувқоова», шаҳар коммунал хўжалик ва таъмирлаш бирлашмалари жамоалари ҳудудни узулк-си сув билан таъминлаш мақсадида янги қудуқларни қазиб, оби-ҳаёт тарқатиш тизимини ишга тушириш билан шуғулланмоқда.

Шу ўринда Раҳматжон Эркабобов бошлиқ «1-механизация» қўшма жамланма» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари шаънига ҳам илиқ гаплар айтиш керак. Улар қисқа фурсат давомида Навоий кўчасида ҳар бири 16 хонадондан иборат 2 та кўп қаватли тураржой биноси — «Ешлар уйи»ни қуриб, фойдаланишга топширдилар. Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг фарғоналикларга бўлган юксак эътиборига жавобан шу кеча-қуנדуда наинки қорхона ва ташкилотлар жамоалари, балки барча фуқаролар ҳам шаҳарни реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури ижросига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилишмоқда. Шу мақсадда шаҳар ҳудудига ташкил этилган 6 та сектор ва 18 округда иш олиб борилаётгани, бу ишлар махсус штаб томонидан ҳар кун мувофиқлаштириб турилаётгани шундан далolat беради.

Ишончимиз комилки, шаҳримиз тез орада ўзига хос, бетакор қиёфа касб этиб, овоз ва обод юртимизнинг ҳақиқий дурдонасига айланади. Бу ерда фидойи, қўли гул бунёдкорларимиз томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилган объектлар эса Мустақилликнинг 17 йиллиги шодибанасига муносиб тўхфа бўлади.

Обиджон САЙДУЛЛАЕВ, шаҳар бос архитектори.

## Кёко Накайма: «ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЮТУҚЛАРИ МЕНИ ДОИМО ҲАЙРАТГА СОЛИБ, КЎНГЛИМНИ ФАХР-ИФТИХОР ҲИССИГА ТЎЛДИРГАН»

(Давоми. Боши 1-бетда).

қўламли ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштиришда ҳамда жамиятнинг бунёдкорлик салоҳиятини умумий мақсад ва вазифалар сари йўналтириб туради. Шу билан бир, маҳалла ҳар бир шахсга ўзини намойён этиш учун чекланмаган имкониятларни ҳам тақдим этади. Ўзбекистонда ҳар бир йилни иқтисодий-иқтисодий тараққиётнинг маълум бир йўналишига бағишлаш яхши аънаъга айланган. Аминманки, «Ешлар йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши Ўзбекистон жамиятини тараққий топтиришга қаратилган сийосат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишда ёшларнинг бевосита иштирок этиши учун мустаҳкам асос яратди.

Айни пайтда Японияда туриб, Ўзбекистонга боришни, мамлакатининг чиройидан баҳра олишни жуда-жуда хоҳлаялман. Афсуски, бундай имконият бўлмагани боис ҳозирча юртимизга ўз таассуротларим ва хотираларимни қорғога тушириш орқали гоийбона саёҳат қилиб турибман. Жумладан, «Ўзбекистон сақурси» китобини Япония жамоатчилигига катта қизиқиш уйғотгани менё ниятда тўқунлангандир. Ўзбек халқининг бой тарихи ва маданияти ҳақида ватандошларимнинг тасаввурларини бойитишга ҳисса қўша олганимдан фахрланаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мамлакат мустақиллигининг 17 йиллиги билан самимий қўлайман. Бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик ҳамisha хамроҳингиз бўсин!

Япониянинг «Торай» корпорацияси маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикасининг Осака шаҳридаги факрий консули Тошио Тоура жумладан, шундай деб ёзди: «Тарихан қисқа давр мобайнида Ўзбекистонда пухта ўйланган тузилмавий ва иқтисодий йўналишларни ишловатлар амалга оширилди. Кўп тармоқли иқтисодиёт асослари барпо этилди, бозор инфратузилмаси такомиллашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган тизим шакллантирилди.

Айни пайтда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари кузатилаётгани, йилдан-йилга тўридан-тўри хорижий сармоялар ҳажмининг ошаётгани, халқнинг иқтисодий ва моддий фаровонлиги юксалаётгани қувонтириди. Мамлакатда турли хил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда, иқтисодиётнинг илм-фанга асосланган юқори технологияли соҳалари кенгайиб, ривожланиб бораётти. Ўзбекистон замонавий автомобиллар ишлаб чиқарувчи ва самолётсозлик соҳаси ривожланган санокли мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаб турибди.

Ўзбекистонда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар иқтисодий-иқтисодий ва сийсий ишловотларни амалга оширишнинг ўзбек модели афзалликларини бутун жаҳонга намойиш этди ҳамда дунёдаги кўлаб ривожланаётган мамлакатлар учун

ўзига хос намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон раҳбариятининг оқилона сийосати ўтиш даврида юзага келиши мумкин бўлган турли иқтисодий сийосат ва бекорликларнинг олдини олишга имкон берди. Давлат сийосати ўзбек халқини миллий ҳақиқатлик ва бунёдкорлик қўлига атоқлида бирлаштирди. Айнан тинчлик-товуқлик ва кўп миллатли халқнинг яқдллийи Ўзбекистон эришган буғунги натижаларнинг бош омили бўлди.

Халқаримиз ўзининг кўп асрлик тарихи, кенг қирғали маданияти ва бой маънавий мероси билан фахрлана арайди. Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг илк кунлариданоқ халқнинг маданий ва маънавий қадриятларини қайта тиклаш, буюк олим ва мутафаккирларнинг бебаҳо меросини ўрганиш ва оммалаштириш, муқаддас қадимлар ҳақида Буюк Ипак йўлининг дурдоналари билан туркий ёдгорликларини таъмирлаш ва ободонлаштиришнинг давлат сийосатининг устувор йўналишлари қилиб белгилагани японияликларни мангун этмоқда.

Мамлакат раҳбарияти жамиятнинг ахлоқий ва маънавий устунларини мустаҳкамлаш ҳамда қудратли ва ҳар томонлама тараққий этган давлат барпо этишнинг гарови ҳисобланган юқори малакали ва аниқ мақсадни кўзлаган ёшларни тарбиялаш заруритини ўз вақтида ва аниқ равшан англаб олди.

Жорий йилнинг Ешлар йили деб эълон қилиниши мустақилликнинг илк йилларидан бошланган ва ёш авлод манфаатларини таъминлаш, Ўзбекистонлик ёшларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбоғ чиқаришга қаратилган эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Шу билан бир қаторда жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Осиё кўчасидаги етакчи демократик давлатлардан бири ҳисобланган Япония Ўзбекистон раҳбариятининг демократик ислоҳотларни амалга ошириш бора-сидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди ва кўлаб-қувватлайди.

Бугунги кунда Японияда иқтисодий ташаббус сийосатида ташкил этилган бир неча Ўзбекистон билан дўстлик алоқалари жамиятлари фаолият юритмоқда. Жорий йилда Фукушима префектурасининг Дате шаҳрида Ўзбекистон билан қилмоқ бўлган иқтисодий ҳамкорлик қилишга иқтисодлашган «Дате-Фарғона» уюшмаси ташкил этилди. Шунингдек, Тошкент билан Осака шаҳарлари ўртасида дўстлик жамиятини таъсис этиш режалаштирилмоқда. Япониянинг тобора кўпроқ фирма ва компаниялари Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари ва иқтисодий салоҳиятига қизиқиш билдирмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳамкорлик барча йўналишларда фаол ривожланмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида дўст Ўзбекистон халқига бахт ва фаровонлик тилайман, юртимизни тинчлик ва тараққиёт ҳеч қачон тарқ этмасин!

«Жаҳон» АА. Токио.

## МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жойларда мазкур китобнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, унда баён этилган го ва фикрларни ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш мақсадида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

«Коралқоқ электр тармоқлари» корхонасида ўтказилган тадбирда ҳам ана шу

масалалар хусусида сўз юритилди. Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарини маънавиятнинг сарчашмаси бўлиб хизмат қилиши, мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодни баркамол инсон сийосатида тарбиялашда бекиёс аҳамият касб этиши таъкидланди.

Кегейли туманида ўтган тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент

давлат иқтисодиёт университети, Қоралқоғистон Республикаси Вазирлар Кенгазининг масул ходимлари сўзга чиқиб, маънавият инсонни руҳан поклаши ва улғайишга қоралайдиган, одамнинг иродаси, иймон-эътиқодини мустаҳкамлайдиган бекиёс куч эканини таъкидлайдилар.

Ана шундай тадбирлар Қаниқлиб, Чимбои, Хўжайли ва Тўртқул туманларида ҳам бўлиб ўтди.

А. ОРТИҚБОВЕВ, ЎЗА МУХБИРИ.

## ЛАЛМИ ДАЛАЛАРДАН — МЎЛ ҲОСИЛ



Маскар мойи тўйимлиги, хуштаълиги, инсон саломатлигига фойдалилиги билан ажралиб туради. Унга аҳоли ўртасида талабнинг юқорилиги ҳам шундан.

Чунончи, Каттакўрғон ёғ-мой комбина-ти билан ҳамкорликда виллоятнинг бир қатор туманларидаги фермерлар лалми ерларга ушбу ўсимлик уруғини сепишди. Натижа чакки бўлмади.

Айни чоғда, қўшработликлар 6443 гектар майдонда масхар ҳосилини йиғиб олишмоқда. Туманнинг «Кўшработ», Очил Қодиров, Эргаш Жуманбулбул номидаги ширкат хўжаликлариде ўрим-йиғим қизини паллага кирган. Деҳқонлар ҳосилини нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб, ўз вақтида буюртмачига етказиб беришни ният қилишган.

СУРАТДА: механизатор Шерзод Норқулов.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Машхур ҳинд кинофильми — «Филлар — менинг дўстларим»ни яхши эсласангиз керак? Унда инсон ва забонсиз жонот ўртасидаги ўзаро меҳр, дўстлик туйғуларини ўта таъсирли ва ҳаётий акс эттирилган боис, фильм томошабин қалбидан чуқур жой эгаллаган. Қолаверса, ҳаётда ҳам шундай, жониворлар одамзотга содиқ бўлишади, мушул вазиятларда беминнат қўмақ беришди, ҳалокат ёқасида турган инсонга ёрдам кўрсатишади. Айниқса, от ва ит каби жонотларни бежиз садоқатли, вафодор дўст дея таърифламаймиз...

Даврон Мирбобоев. — Негаки, бу ерда ўтказилган ҳар бир амалий машғулот ўзига хос услубда ташкил-лаштирилади. Масалан, иш устиде ташкил-лаштирилади. Масалан, иш устиде ташкил-лаштирилади. Масалан, иш устиде ташкил-лаштирилади.

ланган синф хоналари, шунингдек, ит хизматида фойдаланиш бўйича машғулотларга мўлжалланган алоҳида майдон мавжуд. Бундай машғулотлар учун яна аэрокомплекс, автотранспорт ва темир йўли имитацион масканлари фаолият ҳам йўлга қўйилган. Машқ-ўрганиш майдончасининг иқлимий ва ландшафт шароитларига ҳар жиҳатдан мос-

«Жимлик!» дейиш билан буйруққа итоат этиб, хотиржам бўлди.

— Марказимиз фаолияти нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. — дейди Даврон Мирбобоев. — Хусусан, Россия, Франция, Эрон, Қозғоғистон, давлатларидан таширф буюрган ҳамкасбларимиз бу ерда ўрганишга ажибый тажриба мактаби мавжудлиги хусусида кўп бор таъкидлашган. Биз уларнинг тақлифига асосан, хориқлик курсантларини амалий машғулотларга тайёрлаб бердик. Марказ фаолиятидаги иқтисодий ўзгаришлар бос, жорий йилдан бошлаб ўқув масканимизга Минтақавий марказ макрми бердик.

Гувоҳи бўлганимиздек, марказнинг минтақда гоналиги бежиз эмас. Босини, бу ерда ўз ишига пухта, билимдон ва малакали мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Кези келса, уларнинг фидойилиги билан меҳнат қилаётганликлари ўз самарасини бермоқда. Махсус хизматга тайёрланган итларнинг турли халқаро кўриклардан тан олинганлигини мамнунин билан айтиш мумкин. Энг муҳими, сергралик ва хушёрликда тенгсиз бу жониворлар ёрдамида мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши хавфи бўлган наркотик моддалар, портловчи қуроллар ўз вақтида ушлаб қолинмоқда, жиноятчилар аниқланиб, қўлга олинмоқда. Бу ҳам сизу бизнинг оосийишга ҳаётимизни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг амалдаги ифодасидир.

Махсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД

рат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига қўмақлашувчи скрининг марказларнинг кенг тарғибини вужудга келди.

Хозир юртимизнинг бир қанча виллоятларида «Она ва бола» скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Кейинги йилларда малакали шифокорлар томонидан 1,5 миллион нафар чақалоқлар неонатал, 500 миң нафардан зиёд ҳомилдор аёллар пренатал скринингдан ва 628 миң оила эса тиббий генетик кўриқдан ўтказилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, скрининг марказлари махсус автотранспорт воситалари билан таъминланганлиги, энг аввало, қўшмоқ жойлардаги аҳолига замонавий ва сийфатли тиббий хизмат кўрсатиши имконини бермоқда. Бундан ташқари, ҳозирда Сирдарё ва Жиззах виллоятларида ҳам минтақавий скрининг марказлари ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Очиги, баркамол авлод, соғлом миллат йўлида қилинаётган бу каби саъй-ҳаракатлар, «Она ва бола» скрининг марказлари сингари биз учун янги буларни тизимларни жорий этиш ўзининг иқтисодий ва маънавий топаётгани қувончидир. Қолаверса, мамлакатимиз Президентининг шу йил июнь ойида эълон қилинган «Болаликдан эълон қилинган тугилишининг олдини олиш учун тўғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги

тори Мария Каливис юртимизда бўлиб, «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, хусусан, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш борасида кўпгина давлатлар ўрганса арзийдиган тажриба тўпланган» дея таъкидлагани фикримиз далилидир.

Маълумки, Буюк Британияда фаолият кўрсатувчи «Болаларни асран» ("Save the Children") халқаро ташкилоти оналар ва болалар хўқуқлари билан шуғулланувчи энг нуфузли ташкилотлардан бири ҳисобланади. Мазкур халқаро муассасанинг юзлаб тадқиқотчилари томонидан дунё мамлакатларида оналик ва болалиқ муҳофазаси билан боғлиқ ҳисоботда Ўзбекистон эришаётган натижаларга алоҳида эътибор қаратилди. Унга кўра, мамлакатимиз жаҳоннинг 125 давлати орасида аёлларга яратиб берилган шарт-шароитлар даражаси бўйича 19-ўринда эканини эълон қилди. Қўйслаш учун шуни айтиш мумкинки, ушбу курсаткич нафақат минтақа ёки МДҲ, балки Осиё кўчасида энг юқори даража ҳисобланади.

Шу ўринда диққатга сазовор бўлган яна бир воқеани айтишни жоиз билдик. Ўтган йили Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Европа минтақасидаги мавжуд 53 та мамлакат ичиде фақатгина 4 та давлат, жумладан, Ўзбекистоннинг оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тиббий хизматининг миллий модели юқори баҳолиниб, ана шу давлатлар учун минтақавий модель сийфатида эътироф этилди.

Табиики, бу ҳолис эътирофлар мамлакатимизда тиббиёт, хусусан, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш янги босқичга кўтарилигани, хизматнинг замонавий, ишонли ҳамда қафолатли эканлигига далилдир. Тўғри, биз бу каби ютуқлар билан чегараланиб қолмаймиз. Чунки ҳали истиқболда амалга оширилиши мўлжалланган юмушлар ҳам бисёр. Зотан, мамлакатимизда инсон саломатлигини асраш устувор вазифа сийфатида ҳаётга татбиқ этилаётган экан, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳар биримизни янада фаолликка ундайверади.

Мадина ШАРИПОВА, Республика «Она ва бола» скрининг маркази директори.

ЖАҲОН 24 соат ичида Қўпоровчилик оқибати

Ливан шимолда террорчилар томонидан қўпоровчилик амалга оширилди. "Ассошиэтед-пресс" хабарида келтирилишича, террорчилар ҳарбийлар кетаётган автобус йўлига портловчи қурилма ўрнатган экан. Москва портали оқибатида камида 10 нафар ҳарбийнинг ҳалок бўлгани айтилмоқда. Яна 20 киши турли даражада тан жароҳати олган.



Хозирча мазкур қўпоровчилик бўйича жавобгарликни ҳеч бир террорчи ташкилот ўз зиммасига олмади.

Муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси учун

Буюк Британияда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга жиддий киришилмоқда. Жумладан, интернет орқали муаллифлик ҳуқуқини бузганлар энди ҳуқуқ мат томонидан 50 миң фунт-стерлинг (95 800 АҚШ доллари) миқдорда жаримага тортилади. Шу пайтгача жарима беш миң фунт-стерлинг (9 580 АҚШ доллари)га тенг эди.

Қиммат кўчалар

Дунёда шундай кўчалар борки, унда яшашни орзу қилган киши миллиардер бўлиши керак экан.

Яқинда Лондондаги "Wealth-Bulletin" тадқиқот маркази томонидан ўтказилган "Дунёдаги энг қиммат кўчалар рўйхати"дан шундай хулоса келиб чиқди. "Бизнес-стил" интернет шаҳрига кўра, қиммат кўчалар рўйхатида биринчи ўрин Монако шаҳридаги "Avenue Princesse Grace" кўчасига насиб этди. Бу кўчадан уй сотиб олиш учун 41 млн. АҚШ доллари сарфлаш керак. Ернинг ҳар бир квадрат метри 190 миң АҚШ доллари атрофида туради.



Кейинги ўринларни Гонконгдаги "Seven Road", Нью-Йоркдаги Бешинчи Авееню, Париждаги "Montaigne" Авеенюси, Москвадаги "Остоженка" кўчалари эгаллаган.

Боғлар барпо этилади

2020 йилгача Москвада 300 дан ортиқ боғлар барпо этилади. Бу ҳақда "Интерфакс" ахборот агентлиги Табиат ва атроф-муҳитни асраш департаменти томонидан тайёрланган ҳисобот асосида хабар тарқатди. Маълумотларда айтилишича, кейинги 12 йил ичида шаҳарда 11 та тарихий, 57 та ўсимлик, иккита экологик, 241 та турли хўшманзара дарахтлардан иборат боғлар ташкил этилади.

Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмассани қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадоклаш ускуналари ва технологиялари

Advertisement for POLIMER GROUP ASIA, featuring images of industrial machinery and contact information: Telephone: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28. Website: www.powerglob.com.

МИЛЛИЙ БАНК: ИШОНЧ — ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ

Республикада молия тизимини янада такомиллаштириш, тижорат банкларининг мамлакат банклари институционал ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жойларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган ишловларнинг чуқурлаштирилиши аҳолининг банкларга бўлган ишончининг мустаҳкамлашга муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки эришган натижалар бунга ёрқин мисолдир. Бу банк ҳозирда Марказий Осиё минтақасидаги энг катта инвестиция муассасасига айланган. Бозор иқтисодиёти шароитидаги рақобат қарамай, миллий банк мамлакат молия бозорига ўз пешқадамлик мавқеини сақлаб турибди. Катта ресурслар базаси, сармоя (Ўзбекистон банк тизими сармояси умумий ҳажмининг 40 фоизи) ва активлар (42 фоиз) унга йирик ва узоқ мuddатли кредитлар ажратиш, инвестицияларни жалб қилиш учун халқаро молия бозорига барқарор фаолият юритиш имконини бермоқда. Миллий банк молия бозорининг барча устувор соҳаларидаги иш доирасини кенгайтира бориб, хизмат кўрсатилаётган миқозлар сонини тўхтовсиз кўпайтиряпти. Унинг миқозлари ҳозирда 1632,4 миңга етгани шундан далolat беради.

Эътиборлики, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кредитловчи муассаса сифатида қатнашиш "Ўзбекистон-нинг асосий бизнеси бўлиб қолмоқда. Сабаби, у корхона ва ташкилотларга янги объектларни қуриш ва замонавий технологияларни жорий этиш юзасидан барча имкониятларни излаб топишга интиляпти. Шу билан бирга, Миллий банк хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни изчил ривожлантириб, мамлакатимизнинг халқаро молия ҳамжамиятига қўшилишига фаол қўмақлашмоқда. Банк ўз шерикларининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш борасидаги иқтисодий манфаатдорлигини текоор аниқлаш ҳамда буни ўз ихтиёридаги барча вазосатлар билан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилапти.

Хозирги кунда Миллий банк бир қанча халқаро рейтингларга эга. Жумладан, 2007 йилда унга "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги ва "Эксперт РА" рейтинг агентлигининг рейтинглари берилди. Бу, ўз навбатида, мамлакат учун хорижий инвестицияларни жалб этиш, бошқариш ҳамда халқаро савдо операциялари бўйича хизмат кўрсатиш борасида у асосий роль ўйнаётганини босқичли равишда кўрсатади. Бундан ташқари, "Эксперт РА"нинг рейтингини олиш билан Миллий банк Ўзбекистонда хорижий агентликнинг "А" даражасидаги юқоқ кредит рейтингини бериш билан бир қаторда буларнинг алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

КИЧИК БИЗНЕС ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ажратилган пул маблағлари миқдори бўйича хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасида пешқадамлик қилаётган Миллий банк ўзининг бу бордаги сиёсатини, биринчи навбатда, кредитлар истеъмоли бозорини тўлдирishi учун махсуслашган чикаридан янги корхоналар барпо этиш билан шуғулланувчи тадбиркорларга йўналтирмоқда. У республиканинг барча минтақаларида жойлашган бўлиб ва филиаллари тармоғи орқали юридик шахслар ҳам, жисмоний шахсларга ҳам кенг доирадаги замонавий молия хизматларини тақдим этмоқда. Хусусан, 2008 йилнинг биринчи ярмидаги ҳолатга кўра, Миллий банк томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига миллий валютада берилган кредитлар умумий ҳажми 186 млрд. сўмини, жумладан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар 117,7 млрд. сўмини ташкил этди. Шу тариқа ажратилган кредитлар умумий ҳажмининг ўсиши ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 33,3 млрд. сўмини ташкил этди. Миллий банкнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган микрокредитларга, айниқса, тадбиркорлар орасида талаб кучли. 2008 йил 1 июль

дди. Демак, инвестиция портфелидаги ўсиш 6,72 млрд. сўмини ташкил қилди. Бундан ташқари, банк мамлакат саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жойларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган ишловларнинг чуқурлаштирилиши аҳолининг банкларга бўлган ишончининг мустаҳкамлашга муҳим омил бўлмоқда.

Халқаро молия бозорининг барча устувор соҳаларидаги иш доирасини кенгайтира бориб, хизмат кўрсатилаётган миқозлар сонини тўхтовсиз кўпайтиряпти. Унинг миқозлари ҳозирда 1632,4 миңга етгани шундан далolat беради.

Хозирги кунда Миллий банк бир қанча халқаро рейтингларга эга. Жумладан, 2007 йилда унга "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги ва "Эксперт РА" рейтинг агентлигининг рейтинглари берилди. Бу, ўз навбатида, мамлакат учун хорижий инвестицияларни жалб этиш, бошқариш ҳамда халқаро савдо операциялари бўйича хизмат кўрсатиш борасида у асосий роль ўйнаётганини босқичли равишда кўрсатади.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА


амалга оширишмоқда. Бу, ўз навбатида, яқка тартибда инвесторлик қилувчи жисмоний шахсларнинг мазкур бозорга киришини анча энгиллаштиряпти. Миллий банк 2003 йилдан бошлаб банк хизматларининг корпоратив облигациялар адрдертайинги деб аталувчи янги турини тақдим этгангани ҳам таъкидлаш мумкин. Бу хизмат Ўзбекистон фонд бозори иштирокчилари томонидан бир неча мартаба юқоқ баҳоланади. Айни чоғда банк қимматли қоғозлар бозорига ўз маблағлари ҳисобидан операцияларни, банк миқозлари номидан ва улар ҳисобидан эса брокерлик операцияларини ҳам амалга оширмоқда.

Миллий банк депозит сертификатлари бозорини ривожлантиришда ҳам фаол иштирок этапти. 2007 йилда юридик шахслар учун 30 млрд. сўмлик депозит сертификатлари, жисмоний шахслар учун 100 млн. сўмлик эгаси қўра-сантилимайдиган депозит (жамғарма) сертификатлари чиқарилгани бунга мисол бўла олади.

Президентимизнинг 2007 йил 7 ноябрдаги "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланимасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-726-сонли қарори билан 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизими ислоҳ этилиши ва ривожлантирилиши чуқурлаштириш дастури таъкидланган бўлиб, унга мувофиқ, Миллий банк ақциялаштирилиш кўзда тутилган. Банк Кенгаши эса "Ўзбекистон" банкни ақциялаштириш чора-тадбирлари жадалини тасдиқлаган. Унга кўра, 2008 йилда Миллий банк очик ақциядорлик банкига айлантирилади.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЯПТИ

Миллий банк Европа, Россия, Индонезия, Корея, Покистон, Сингапур, Хитой каби мамлакатларнинг етакчи



ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР АФЗАЛЛИГИ

Пул хизматларида пластик карточкалардан фойдаланилиши нақд пулларга талабни камайтиради, уларнинг айланшини тезлаштирилади, шунингдек, пул массаси назорат қилинишини оsonлаштиряпти. Шу билан, "Ўзбекистон" миллий валютадаги ҳисоб-китоблар учун мўлжалланган сўм пластик карточкаларини, «VISA» халқаро карточкалари, «IAPA» ва «Priority Pass» дисконт карточкаларини мумолага чиқариб улар бўйича хизматлар кўрсатишмоқда. Хозирги кунда Фақат "Ўзбекистон" тизимида хизмат кўрсатилаётган 2600 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида пластик карточка эгалари ўзларининг сўм карточкалари билан ҳисоб-китоб қилишлари мумкин.

Миллий банк сўм пластик карточкалари ёрдамида иш ҳақини ўтказиш, саклаш ва олишнинг қулай ҳамда ишончли усулини тақдим этапти. Бу хизматдан фойдаланилганда, иш ҳақини бериш учун сарфланадиган вақт тежалди, жаран соддалашди, корхона нақд пуллари саклаш ва ташши билан боғлиқ хатарлардан қутулади.

Ходимларнинг карточка ҳисобварақларига уларнинг иш ҳақидан ташқари бошқа барча пуллик тўловлар (муқофотлар, хизмат сафари харажатлари, гонорар, дивидендлар, пенсиялар ва бошқалар) ҳам нақд пулсиз ўтказиш мумкин. Банк карточка эгаларига янги банк хизмати — иш ҳақи лойиҳалари доирасида қарилмаётган овердрафт кредит карталарини ҳам тақдим қилапти. Бу карточкалар ўз эгасига банкдан қарз олиш имконини беради.

2008 йилнинг биринчи ярми ақунлари кўра, Миллий банк томонидан чиқарилган пластик карточкаларнинг умумий миқдори 1.188,3 миң дан ортиқ бўлди. Бу эса 2007 йилнинг шу давридаги нисбатан 21 фоизга кўпдир.

ХОДИМЛАР САЛОҲИЯТИ

Миллий банкда 6 миңдан зиёд малакали мутахассис ва менежерлар ишламоқда. Буш лавозимларга номзодларни танлов асосида саралаш олиш тизими жамонан энг қисқа муддатларда замонавий банк технологияларини ўзлаштиришга қўлдан бўлган янги ходимлар билан тўлдирish имконини бермоқда.

Зеро, банк хизматлари доирасини кенгайтириш, уларнинг сифатини ошириш, янги замонавий банк маҳсулотларини ўзлаштириш, жиҳозлаш ва банк хизматлари автоматлаштирилишини халқаро даражада етказиш вазифаси малакали ходимлар жалб этилишини уларнинг профессионал тайёргарликдан ўтказилишини, жумладан, миңтақавий тармок кадрлари салоҳиятини кучайтиришни талаб қилмоқда.

Шу жиҳатдан олганда энг авлодди ўйитиш ва тарбиялаш тизимини ривожлантириш Миллий банк кадрлар сиёсатининг муҳим ўрнини эгаллашган бўлади.

Хозирги вақтда кадрлар билан ишлашнинг асосий йўналишларидан бири иктеридири шахсларни аниқлаш, ходимларнинг қобилиятларидан мақбул даражада фойдаланиш учун зарур шарт-шароитни яратилиши билан боғлиқ. Гап шундан, муваффақиятнинг фаолият юритиш кўп жиҳатдан истиқболли кадрлар ишига боғлиқдир.

Миллий банк республиканинг энг йирик молия муассаси сифатида мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган ўз сиёсатини бундан бун ҳам амалга оширишига ишончимиз комил.

Миллий банк матбуот хизмати.

БЕФАРҚ БЎЛМАГАНЛАР УЧУН...

"Сув — ҳаёт манбаи" иборасини ҳаммамиз кўп эшитамиз. Эшитамиз-у, бироқ мазмун-моҳиятига етгани эътибор бермаймиз. Дарҳақиқат, сув — ҳаёт манбаи! Сайёрамиздан барча тирик мавжудот, ҳеч ким ва ҳеч нарса сувсиз яшай олмайдди. Соғлом бўлиш, шубҳасиз, хар биримизнинг истагиниздир. Одам организмининг соғлом фаолияти учун эса сувнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Одам организмининг муайян қисми сувдан иборат эканлигини эслаганимиздек, ушбу молданнинг бекиёб аҳамиятини тушунамиз. Жумладан, бола организмида умумий тана вазнининг 75 фоизини, катта одам организмининг 60-65 фоизини ҳамда кекса одам тана вазнининг 50 фоизини сув ташкил этади. Инсон ҳаётида сувнинг аҳамиятини аниқлаш учун унинг асосий вазифаларини эслаш кифой.

Табиий савол туғилади: организмда оптимал сув балансини сақлаб туриш учун қанча сув истеъмоли қилиниши керак? Муътадил иқлим шароитида яшовчи катта ёшдаги соғлом одамнинг кунлик сув истеъмоли қилиш миқдори ўртача 1,5 литрни ташкил этади, бу эса 8 стаканга тенг демакдир. Бироқ шунинг ёнда тутиш керакки, сувга бўлган эҳтиёж қуйидаги омиллар таъсирида ўзгариши мумкин:

- танаининг жорий ҳарорати ва иситим шароити;
• касаллик ёки жисмоний жароҳатлар;
• ҳолатдорлик ва эмгакчи даври;
• жисмоний фаолият даражаси (спортчиларда сувга бўлган эҳтиёж юқори);
• ёш (ёш ўлганлар сари сувга эҳтиёж ортти боради).

Advertisement for INTEGRAL ASIA, featuring a computer monitor and keyboard. Text: "INTEGRAL ASIA" 17" мониторли P4 компьютерлари. Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади. "Актив инвест" кредит иттифоқи кўмағида.

Advertisement for Rosagropromsnab, featuring gas meters. Text: ООО «Росагропромснаб» предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1» СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М.

Россиянинг «Сайхатчилар клуби» телекўрсатуви ижодий жамоаси Хивада бўлиб, қадимий шаҳарнинг бугуни ва тарихи ҳақида икки соатлик кўрсатув тайёрлади.

### «Сайхатчилар клуби» Хивада

Эслатиб ўтамиз, ушбу кўрсатув режиссёри Валентин Яковлев ва оператор Евгений Галиевлар бутун

### Эътироф

жаҳон бўйлаб сайхат қилиб, юздан ортқ ҳужжатли фильмларни суратга олишган.

— Бошқа қадимги шаҳарларга таққослаганда Хива бетакор экан. Агар барча сайхатларимизни ушбу шаҳарга қилган зиёратимизга солиштирсак, унда меҳнатимиз зое кетмаганига амин бўламиз, — дейди кўрсатув режиссёри В. Яковлев.

Бундан кўрадики, чет эллик сайхатчиларнинг юртимиз тарихига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Ойбек РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



## «ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ»

Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нашрдан чиқди. Янги изоҳли луғат ўзбек адабий тилида истеъмолда бўлган 80 мингдан ортқ сўз ва сўз бирикмаларни, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади.

лат тили мақоми берилиши, Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилиниши ва мазкур қонун моддаларида қайд этилган йўл-йўриқ ва вазифалар ўзбек тили тараққиётида янги даврни бошлаб берди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилди. Шу тарихда ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Гербиди, Мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Кейинги даврда, бир томондан, ўзбек тили тараққиёти жа-

раёнида унинг ўз ички имкониётлари асосида ривожланиши қонуни эркин ва тўла амал қила бошлаган бўлса, иккинчи томондан, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида юз берётган залворли ўзгаришлар тилимизга, унинг лексикасига сезиларли таъсир кўрсатди. Шунингдек, ўзбек тилининг халқро миқёсда фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Ана шундай омиллар ва ўзбек тили луғат таркибиде юз берган жиддий ўзгаришлар тилимизнинг изоҳли луғатини тузиш ва чоп этишни талаб этди. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги қарорига

мувофиқ ушбу луғатни яратиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти зиммасига юкланди.

Мазкур институт мутахассисларнинг қайд этилишича, беш жилдли ушбу луғат лексикографиянинг янги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда яратилган мутлақо янги фундаментал ишдир.

Янги луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётида нашрга тайёрланган.

Ўзбек тилшунослиги бўйича мутахассислар, адилблар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, кенг ўқувчилар оммаси учун мулкжалланган ва Мустақиллик айёми арафасида нашр этиш



ишлари якунланган ушбу беш жилдли луғат луғатшунос ва ноширларимизнинг халқимизга муносиб байрам тўғриси бўлди. Янги нашр кенг ўқувчилар учун муҳим қўлланма бўлиши баробарида, ўзбек адабий тили меъёрларининг мустақамланишига ва нутқ маданиятининг янада юксалишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

(Ў.А.)

## ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Самарқанд шаҳрида «Келажак овози» кўрик-танловининг вилоят bosқичи якунланди.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон этиб тарбиялаш борасида турли маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловларнинг ташкил этилаётгани ўз самарасини бераётир. «Камолот» ёшлар ижтимоий

ҳаракати ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказиб келинаётган аънавий «Келажак овози» кўрик-танлови ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Бу йил ушбу танловнинг шаҳар ва туман bosқичларида Самарқанд вилояти бўйича 5200 дан зиёд йигит-қиз иштирок этди. Тасвирий ва амалий санъат, рационализаторлик тақлифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, ахборот-коммуникация технологиялари, бадиий ижод, архитектура ва дизайн, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режалар ҳамда спорт

йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этган ёшлар орасидан сараланган 300 нафардан ортқ истеъдод эгалари танловнинг вилоят bosқичида қатнашди. Ҳакамлар ҳайъати гоилибларни аниқлашда барча йўналишлар бўйича тақдим этилган ижодий ишларни ўрганиб чиқди. Ҳар бир қатнашчи билан суҳбатлашиб, уларнинг ташаббус ва лойиҳалари билан танишди.

Ф. ҲАСАНОВ, Ў.А. мухбири.

### Спорт • Sport • Спорт

Пекинда давом этаётган XXIX ёшги Олимпиада ўйинларининг олтинчи куни ортда қолди.

12 август куни бўлиб ўтган беллашуларда боксчиларимиз галабалари билан барчамизни хушуд этган эди. Соврили ўринлар асосий давogarлардан ҳисобланган эркин курашчилар Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, дзюдочилар Абдулла Тангриев ва Ўткир Қурбонов, таэквондочи Акмал Эргашевлар ҳам мусобақага тушишга шай бўлиб туришибди.



## ОЛТИНЧИ КУН НАТИЖАЛАРИ

13 август куни ҳамюртларимиз Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган оғир атлетика, бокс, дзюдо ва суизи турлари бўйича ўз куларини синовдан ўтказдилар. Дастлаб



оғир атлетикачи Шерзоджон Юсупов (77 кг.) «В» гуруҳида мусобақаларни бошлади ва якунда тўртинчи ўринни эгаллади. Эслатиб ўтамиз, Шерзоджон Осиё

(48 кг.) франциялик Нордин Субалига қарши жангни муваффақиятли бошлаганди. Аммо якунда 7-8 ҳисобиде имкониётини бой берди.

Шунингдек, Олимпиаданинг олтинчи куни Сергей Панков 200 метрга чалқанча, Данил Бугаков 200 метрга комплекс, Ирина Шлемова 100 метрга эркин усулда суизи бахслари-

да иштирок этдилар. Кеча енгил атлетикачилар Гузал Хуббиева, Анастасия Журавлева, таэквондочилар Александр Ким, Евгения Каримова ва Акмал Эргашевлар мусобақаларда иштирок этиш учун Пекинга жўнаб кетишди.

Пекин Олимпиадаси нафақат мурасасиз бахслари, балки янги-янги жаҳон рекордлари ўрнатилиши билан ҳам муҳлису мутахассислар эътиборини қозонмоқда.

## МЕДАЛЛАР СОНИ БЎЙИЧА РЕКОРД

Жумладан, 13 август куни америкалик Майкл Фелпс 200 метрга баттерфляй усулда суизи мусобақасида 1 дақиқа 52,03 сония натижа билан Олимпиада олтин медални қўлга киритди ва ўзи ўрнатган жаҳон рекордини янгилади, деб хабар беради АТР. Бу Фелпснинг Пекин Олимпиадасидаги бешинчи олтин медал ҳисобланади.

Умуман олганда, Майкл Фелпс Олимпиада ўйинларидаги олтин медаллари сонини 11 тага етказиб, Олимпиада тарихида энг кўп олтин медални қўлга киритган спортчиға айланди.

Шунингдек, кечаги бахсларда италиялик Федерика Пеллегрини 200 метрга эркин усулда сузишда 1 дақиқа, 54,82 сония натижа билан янги жаҳон рекордини ўрнатди ва Олимпиада олтин медални соҳиби бўлди.

## Теннисчимиз жуфтликда биринчи


Бишкек (Қирғизистон)да теннис бўйича ёшлар ўртасида халқро турнир якунланди.

Унда майдон эгаларидан ташқари Россия, Ўзбекистон, Қозғистон, Украина ва Туркменистондан келган 70 нафарга яқин ракетка устаси гоилиблик учун қортга чиқди.

Аҳамиятлиси, ёш умидли теннисчимиз Алиса Огоровова туркменистонлик Анастасия Принько билан жуфтлик бахсларида биринчи ўринни қўлга киритди.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

### Спорт • Sport • Спорт



## Пекиндаги Олимпиададан SMS-янгиликлар!

Хизматни ёқиш учун SMS орқали 2008 кодни 33339 рақамиға юборинг ва сиз Олимпиада янгиликларидан хабардор бўласиз.

- Хизматни 7 кунга ёқиш — 31.5
- Иборий нундаги мусобақаларнинг охириги натижаларини билиш учун 33334 рақамиға OLIMP ёни OLIMP2 кодини юбориш керак. Бир марта SMS-сувор нархи — 30.25
- Хизмат «Flashfon» контент-провайдер билан ҳамкорликда тақдим этилади.

## МТС алоқа оператори

Хизматлар лицензияланган

**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) тақлиф этади.

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ**

(Минск шаҳридаги собик «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-185...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизида) техникалари ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳриға боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservice» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ёл «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

## БЕБАҲО НЕЪМАТ

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Андижон вилоятида ЮНИСЕФ халқро ташкилоти, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси ва Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Болани фақат она сuti билан боқиш ҳафталиги» ўтказилмоқда.

### Тадбир

Шу муносабат билан шаҳар ва қишлоқларда уюштирилаётган давра суҳбатлари ва учрашуларда ёш оналарга она ва бола санолатлигини тиклаш, туғуруқчи бехатар ўтказиш, чақалқлар нобуд бўлишининг олдини олиш юзасидан маслаҳатлар берилаяпти. Шунингдек, шаҳардаги 2-туғуруқ мажмуида ташкил этилган кўргазмада она сунининг бебаҳо неъмат эканлигини тасвирловчи плакат, альбом ва суратлар намойиш этилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**БИРЖА**

республика иқтисодий газетаси ЁАЖ таркибиде мазкур нашр маркази иш бошлаш ва бир қатор журналлар чоп этилиши муносабати билан қўйидаги мутахассисларнинг ишга жалб этиш бўйича танлов эълон қилади

Мутахассисларға қўйилган касбий талаблар:

Адабий котиб — таржимон  
Лингвистик ёки филологик маълумот, фикрни аниқ тушуновчан, қисқа ва лунда баён этиш маҳорати, адабий муҳаррир, мусаоҳиҳ сифатида камиде 3 йиллик таъриба, ўзбек ва рус тилларини мукамал билиш, бизнес ва иқтисодий соҳасида мазмуни тўғри етказиш.

Масъул котиб  
Оммавий ахборот воситалари туррисидаги қонун ҳужжатлари, муаллифлик ҳуқуқи, ахборот билан ишлаш ҳуқуқийлари, газета ва журнал чиқариш асосларини билиш. Ахборотни замонавий техник воситалар ердамида қайта ишлаш ва нашрларға бадиий-техник шакл бериш таърибаси.

Бухгалтер  
Молия ва иқтисод соҳаси бўйича олий маълумотға эгалиги, бухгалтерлик ҳисобини олиб боришининг янги тизими билан танишлиги, «1С» бухгалтерия дастурида ишлаш таърибасига эгалиги, бухгалтерия ҳисоби, молия ёки солиқ нозорати соҳасида уч йиллик иш таъриби.

Шарҳловчи/муҳбир  
Инглиз тилини билиш, махсуслотни бозорға олиб чиқиш, харидорға кўрсата билиш таърибаси, мусоқаралар олиб бориш, таъбирлар уюштириш ва уларни мувофиқлаштириш, реклама уюштириш маҳорати.

Шарҳловчи/муҳбир  
Журналист/бизнес-журналист, баён этишининг юқори маҳорати, бизнес ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни еритиш таърибаси, эритилаётган оқола, фактларни атрафлича урдилиш ва қўқур таҳлил қила билиш.

Сайт/фаловчи/дизайнер  
CorelDraw, InDesign, Photoshop, Page Maker дастурларида ишлаш, материални юқори савияда нашрга тайёрлаш маҳорати.

Нашриёт техник мутахассиси  
Буюртмаларни чоп этиш, зарур ўлчамларда кесил, ёлтириш, нашрларни тикиш, товар ҳолиға келтириб ўраш. Шу ишлар билан боғлиқ дастохларда ишлаш билиши талаб этилади.

Курьер  
Тошкент шаҳрини яқин билиши, муомала маданияти бўлиши, рус ва ўзбек тилларини мукамал билиш.

Шаҳсий маълумотларни zaobirja@mail.ru электрон манзилиға юбориш сўралади.  
Кўшимча маълумотлар учун телефон: 259-22-25. Факс: 259-22-06, 259-21-68.  
Ҳужжатларни қабул қилиш мuddати — 2008 йил 30 августгача.

## INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

119-0000, 119-8383, 155-0955  
Тошкент ш., Навоий к., 13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таъриринг компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

□ Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ў.А. якуни — 21.20. Тошпириди — 22.30 1 2 3 4 5 6 7

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбидинов.  
Навбатчи — Қ. Хидиров,  
Мусаоҳиҳ — Ш. Машраббоев.